«Охангарон дон» акциядорлик жамияти
акциядорларининг 2020 йил 29 майдаги
йиллик умумий йиғилиш қарори билан
**ТАСДИҚЛАНГАН**
умумий йиғилиш раиси
м.ў.

**Акциядорлик жамиятининг Кузатувчи кенгаши тўғрисида**
**НИЗОМ**

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Охангарон дон» акциядорлик жамияти Кузатувчи кенгашининг мақомини аниқлайди ва унинг ишини, кенгашга аъзоларни сайлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзонинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.
1.2. Низом "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва жамиятининг уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## 2. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВЧИ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТИ

2.1. Акциядорлик жамиятининг Кузатувчи кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун билан фақат Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.
2.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш, бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини утказиш (мажбурий аудиторлик текширувидан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг ҳизматларига тўланадиган энг куп хак микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

акционерларнинг умумий йигилишида белгиланган ва конунчилик доирасига мувофик булган микдорларда айрия (хомийлик) ёрдами бериш ёки эхсон килишнинг тартиби, ёрдам курсатиш шартларини белгилаш ва ушбу тартиботни акционерлар жамиятининг корпоратив веб-сайтида эълон килиш;

корпоратив бошкарув тизимини ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини бахолаш учун мустакил ташкилотни танлаб олиш;

кузатув кенгаши кошида тегишли масалалар буйича кумиталар (ишчи гурухдари) ташкил этиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки жамият уставига кўра қуйидагилар жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилиши мумкин:

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.
2.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

## 3. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВЧИ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИНИНИ САЙЛАШ

3.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўз.Р. Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.
3.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин. Жамият кузатув кенгашининг миқдор таркиби мазкур устав билан белгиланган бўлиб 9 кишидан иборат.
3.3. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустакил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) ҳужалик бирлашмасининг улуши устун бўлган жамиятларда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) ҳужалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади.
3.4. Қуйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:
- сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилланган шаҳсларида ишламаган шахс;
- жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;
- жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш хақининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;
- жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга булмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлик бўлган холлар мустасно;
- жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва угай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;
- давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс
3.5. Жамият бошқарув раиси ва бошқаруви аъзолари, шу жамиятда, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.
3.6. Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига сайланган номзодлар куйидаги талабларнинг камида биттасига тўғри келиши керак:
- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муасеасасида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш;
-корпоратив бошқарув сертификатига эга бўлиши;
«Уздонмахсулот” АЖ да камида 3 йил иш стажига эга бўлиши.

3.7. Акциядорларининг сони беш юздан ортиқ бўлган жамият учун жамият кузатув кенгашининг сон таркиби етти аъзодан кам бўлиши, акциядорлари сони бир мингдан ортиқ бўлган жамият учун эса тўққиз аъзодан кам бўлиши мумкин эмас. Жамият кузатув кенгашининг миқдор таркиби мазкур устав билан белгиланган бўлиб ___ кишидан иборат.
3.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.
3.9. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

## 4. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВЧИ КЕНГАШИ РАИСИНИ САЙЛАШ

4.1. Жамият кузатув кенгашининг раиси, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.
4.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.
4.3. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.
4,4. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

## 5. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВЧИ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), ижроия органи аъзосининг, шунингдек жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби жамиятнинг уставида белгилаб кўйилади.
5.2. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби:
- жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссиясисининг (тафтишчисининг), ижроия органи аъзосининг, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 % эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) талабига кўра чақирилади.
- жамият кузатув кенгашининг мажлиси вазиятга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Кузатув кенгашининг мажлисида кузатув кенгаши аъзолари, кузатув кенгаши томонидан таклиф қилинганлар: тафтиш комиссияси аъзолари, жамият ички аудит хизматининг ходимлари, корпоратив маслаҳатчиси, бошқарув раиси ва жамият ижроия органнинг аъзолари, жамият тизимидаги бўлим бошлиқлари ва мутаҳасислар, жамият овоз берувчи акцияларининг камида 1 % га эга бўлган акциядор (акциядорлар) ва бошқа шахслар қатнашиши мумкин.
- кузатув кенгаши мажлисида жамият фаолиятига умумий раҳбарликка тегишли масалалар ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўз.Р. Қонун ва мазкур уставга асосан кузатув кенгаши ваколатларига кирадиган масалалар ҳал қилинади. Жамиятнинг ижроия органи кузатув кенгаши мажлисини ўтказишга

тайёргарлик кўриш жараёнида барча ҳужжатларни (маълумотларни) тайёрлайди ва тақдим этади.

- Жамият кузатув кенгаши ҳар чоракда тинглайди:

5.3 Жамият кузатув кенгаши ҳар чоракда тинглайди:

1) ижроия органининг:

- жамият молиявий-хўжалик фаолияти;
- бизнес-режанинг бажарилиши;
- самарадорлигининг йиғинди самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) кўрсаткичи (СЙК) ҳамда режанинг бажарилиши фоизи;

шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисоботини.

5.4 Жамият кузатув кенгаши ҳар чоракда тинглайди:

жамият ички аудит хизматининг:

- бухгалтерия хисоби ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларнинг тўғри юритилиши, ижроия органи томонидан қонунчиликка, таъсис ва бошқа ҳужжатларга риоя этилаётганлиги, хўжалик фаолиятини юритишда ўрнатилган тамойил ва қоидаларининг тўлиқлигини таъминланганлиги, активларнинг сақланганлиги, ҳамда жамиятни бошқаришда қонунчиликда ўрнатилган талабларга риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботларни;
- Ижроя органининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисида;
- Жамият самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) интеграл коэффицент кўрсаткичлари (СЙК) ҳамда режанинг бажарилиши фоизи тўғрисида ;

5.5 Жамият ижроя органининг тақдим этган ҳисоботга кўра, ҳамда жамият ички аудид ҳисоботига кўра кузатув кенгаши ижроя органининг ишига баҳо беради ва хисобот даврида ва тегишли қарорни қабул қилади.

5.6 Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

5.7 Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўз.Р. Қонунда, жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

5.8 Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўз.Р. Қонун 18, 84, 88 моддаларининг кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.9 Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.10. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

5.11. Жамият уставида жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи назарда тутилади.

5.12. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

5.13. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

5.14. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.15. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

## 6. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВЧИ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Кузатувчи кенгаш аъзоси:

- Кузатувчи кенгаш йигилишда шахсан қатнашиш, йигилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;
- ишларнинг шу кундаги аҳволи тўғрисида, акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш-хўжалик ва тижорат фаолиятининг бирор-бир давр ичидаги асосий натижалари ҳақида, уни ривожлантириш режалари тўгрисида барча тўлиқ ва ишончли ишлаб чиқариш ҳамда молия ахборотини олиш;
- Кузатувчи кенгашда ишлаганлик учун маълум вазифаларни бажарганлиги учун ҳақ олиш.

6.2. Кузатувчи кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатувчи кенгаш раиси томонидан Кузатувчи кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади.

6.3. Кузатувчи кенгаш аъзолари ўзларининг лавозими мажбуриятларини ҳалол, шунингдек, акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

6.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

## 8. КУЗАТУВЧИ КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Жамият Кузатувчи кенгашининг аъзолари акциядорлик жамияти олдида қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ жавоб берадилар.

7.2. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга зарар келтирувчи қарорга қарши овоз берган жамият Кузатувчи кенгаши аъзолари жавоб бермайдилар.

7.3. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг умуман олганда камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга келтирилган зарарларни қоплаш тўғрисида Кузатувчи кенгаш аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7.4. Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, директорини ёки бошқаруви аъзосини жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, директорнинг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

7.5 Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, директори ёки бошқаруви аъзоси жамиятга чалгитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки уз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.